

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ БАДИИЙ МАТНЛАРДА “ХОТИРА” КОНЦЕПТИ ҚЎЛЛАНГАН МЕТАФОРИК БИРЛИКЛАРНИНГ КОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ



Дилдора Баходиржановна АГЗАМОВА

*филология фанлари номзоди, доцент
қиёсий тилишунослик кафедраси*

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
dramjonova@mail.ru

Аннотация

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий матнларда “Хотира” концепти ифодаланган метафорик бирликларнинг когнитив таҳлили келтирилган. Метафоранинг когнитив таҳлили натижасида инглиз ва ўзбек тилларидаги оламнинг лисоний тасвири учун учун умумий хусусият ҳисобланган Хотира-Макон образи аниқланди.

Калит сўзлар: концепт; когнитив таҳлил; метафора; Хотира-Макон образи.

КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТАФОРИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ, СОДЕРЖАЩИХ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ КОНЦЕПТ «ПАМЯТЬ»

Дильдора Баходиржановна АГЗАМОВА

*кандидат филологических наук, доцент
кафедра сравнительного языкознания*

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека
dramjonova@mail.ru

Аннотация

В статье проводится когнитивный анализ метафорических единиц, репрезентирующих концепт «Память» в английском и узбекском языках. По результатам когнитивного анализа метафор был выявлен общий образ Память-Хранилище, который является универсальным для языковой картины мира англичан и узбеков.

Ключевые слова: концепт; когнитивный анализ; метафора; образ Память-Хранилище.

COGNITIVE ANALYSIS OF METAPHORIC PHRASES OF THE CONCEPT “MEMORY” IN THE ENGLISH AND UZBEK BELLES-LETTRES TEXTS

Dildora Bahadirjanovna AGZAMOVA

*Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Chair of Comparative Linguistics,
National University of Uzbekistan*
dramjonova@mail.ru

Abstract

The article deals with the Cognitive analysis of metaphorical units, representing the concept «Memory” in English and Uzbek languages. Based on the results of the congested analysis of metaphors, a common image of the Memory-Storage was revealed, which is universal for the language picture of the world of Englishmen and Uzbeks.

Keywords: concept; cognitive analysis; metaphor; image Memory-Storage.

Метафорик бирликларнинг қиёсий таҳлили авваламбор икки тил учун умумий бўлган метафорик бирликларни ажратиб олишдан бошланади. Инглиз ва ўзбек тиллари учун хотиранинг функционал бўлаклари бино ёки хонага қиёсланиши бир хилда ҳосдир. Бунда бино ёки хона концепти суперординат ҳисобланиб, қуйидаги метафорик бирликларни умумлаштиради: *to live in the memory, memory is a dwelling place* инглиз тилида, ўзбек тилида **бузилмасин хотиринг, хотирамнинг қай бурчагида** каби иборалар семантик жиҳатдан умумийдир.

Мазкур тадқиқот XIX-XXI асрларда ижод қилган инглиз ва ўзбек адибларининг асарлари асосида олиб борилди. Метафорик бирликлар инглиз тили материали учун асосан интернет тармоғидаги www.gutenberg.org сайтида берилган инглиз адиблари асарлари ва замонавий инглиз ва америкалик адиблар асарларидан танланди. Ўзбек тилидаги материал эса кутубхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг ўзбек адабиёти каталогида сақланаётган материаллар ҳамда оммавий ахборот воситалари материаллари асосида тўпланди.

Хотира-макон

Ахборотни сақлаш (эсламоқ, эслаб қолмоқ); унинг хотирада қайта тикланиши ёки тасодифий хотирага келиши (*хотирга келтирмоқ, эс-эс билмоқ*); уларнинг хотирадан ўчирилиши (*унутмоқ, унутилмоқ*) тафаккур фаолияти хотира лексемаси иштирок этган метафорик бирликлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан: **хотирада гавдаланди, хотирани титкиламоқ.**

Ушбу турдаги образлар кўпгина олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ўрганилган мисоллар асосида шуни айтиш мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларида бу образ кўп учрайди.

Хотиранинг бу турдаги метафорик ифодаланишида инсон ўз хотирасини ички назари билан кўради. Хотира ташқи макон кўринишлари (омбор, буюмлар сақланадиган жой, ўрмон)га қиёсланади.

Е.С. Кубрякова хотиранинг омбор, кутубхона каби метафорик образларини келтиради (17, 85–91). Бу образлардан ташқари яна ХОТИРА–МАТН, ХОТИРА–ЛАБИРИНТ каби метафорик образлар мавжуд:

- 1) *He was conscious of what he was about, for in thus dwelling upon... contemplative look in them, as though she were setting that moon against the moon of other nights, held in memory* (12).
- 2) *She seemed living in the memory of those old glad days* (3).

- 3) ... *I can keep myself in the memory of the Emperor, who is examining some inventions of which will make great changes in naval warfare* (3).
- 4) *Whatever I fear to do is wicked. Listen to me Eve; and you snake, listen too, that your memory may hold my vow* (4).
- 5) *Хотира тўридан “келгин, кел” дединг —
Мен сени севганман. Зарра тонмайман* (5, 69).
- 6) *Карим менинг хотирамдан ўзи ҳақидаги нохуш тасаввурларни сиқиб чиқаришга чандон уринарди.* (6, 18).

Ўзбек тилидаги материал асосида ХОТИРА-ЎРМОН образи аниқланди. Бу образда хотира катта дарахтзорга қиёсланади ва ундаги ахборотлар дарахт япроқларига ўхшатилади:

Хотирот – дарахтзор, ўрмоним менинг

Шивирлайди унда зангор япроқлар...

Неки кечмиш, ўрмонимда қолмишдир... (7).

Хотира нарсалар сақланадиган идиш (контейнер) дея таърифланади. Шунинг учун хотира-омбордаги предметлар умуман хотирадан тушиб қолиши мумкин.

... ваъданинг хотирадан тушиб қолиши миянинг психологик ҳимоя вазифаси билан боғлиқ экан (8, 68).

Хотирада қолдирилган ахборот гўё қолдирилган из сифатида концептуаллаштирилади; масалан, қоғоз, қаттиқ жисм (тош, дарахт ёки деворга ўйиб ёзилган ёзувлар ва ҳ.к.). Бошқача қилиб айтганда, хотира ахборотни тўплайдиган юза сифатида таърифланади. Инсон ахборотни сақлаб қўйиш ёки аксинча, изни йўқотишга ҳаракат қилади (*хотирида қолди, хотирадан ўчириб ташламоқ, post up in the memory*):

- 1) *У бир кун яна шундай бир одам тўғрисида маълумот берди. Бу одам тўғрисида “Хотини ўлиб беш боласи билан қолган” деган гап Фотиманинг хотирида қолди* (9, 248).
- 2) ... *and couldn't help all through that afternoon going over again the picture left on his memory...* (10).
- 3) *It was such an uncomfortable hand, that, when I went to my room, it was still cold and wet upon my memory* (10).
- 4) *Trotter privately posted up in his memory what he had just heard* (10).
- 5) *My memory can't place him in any remembered scene* (11).
- 6) ... *last of its race, and destined evermore to close that volume of my life, will never pass out of my memory* (12).
- 7) *That last scene with Melissa, two weeks earlier, sprang to his mind, but he pushed the memory away* (12).
- 8) *Болаликда ўқиганман шекилли, хотиридан чиқибди* (13, 86).

9) *Пошиа кампир эса ўша — хотиротга айланган ўтмишни энди бутунлай миясидан ситиб чиқармоқчидир, аламнок бош чайқади* (14, 262).

10) *Ҳар бир дақиқадан фойдаланиб, хотирангда ажойиб из қолдиришига ҳаракат қил* (15).

11) *Қайта тиклаш мумкин барчасин, фақат Қайта тикланмагай ўчса хотирот* (16, 209).

Хотира ахборот сақлаш хусусиятига қараб, предметлар билан ёпиқ маконга таққосланади. Хотира макони (сатҳи)да инсон бирор-бир буюмни эҳтиёткорлик билан сақлайди (*хотирада ниманидир сақлаш*). Инсон хотирасида буюмларни қидиради (*хотирада бирма-бир кўриб чиқади, хотирадан чиқариб ташилади*).

Бундан ташқари, хотира образларни тасаввурда қайта тиклайди (*хотирада нимадир юзага сузиб чиқади, гавдаланади, тикланади, жонланади, қайтадан эсга тушади*). Хотиранинг ушбу функцияси сув ҳавзаси (денгиз, океан ва х.к.лар)га қиёсланади:

1) *Гўё ариқда унинг бахтиёр, ҳам азиятли хотиралари оқиб кетаётганди* (13, 19).

2) *У (Муроджон) уй ичида кезаркан, онасининг тирик қиёфасини хотирида тикламоқчи, унга яна бир тўйиб олмоқчи эди* (18).

3) *“Far from it,” assented Miss Murdstone. “I don’t wish to revive the memory of past differences, or of past outrages”* (5).

Демак, “Хотира” концепти ахборотни тўплайдиган юза, ёпиқ макон, образларни тасаввурда қайта тиклайдиган юза сифатида концептуаллашади.

ХОТИРА-МАКОН образи китоб ёки бир ҳужжатга қиёсланади:

1) *He searched his memory for words or deeds that might have made her think badly of him* (20).

2) *Умрида ким келса бир бор бу ерга,
Қалбига экади Тошкентнинг меҳрин.
Шу учун Тошкент ҳам қуёшли муҳрин
Босар паспортларга, хотираларга* (21, 10).

3) *Хотиралар зарварагида
Болаликнинг ўйлари қолди* (22).

4) *Баъзан ҳаёл бошлаб кетади,
Хотирингни изгиб титади.
Ўтган йиллар, ўтган кунларнинг
Саҳифасин бир-бир титади* (22).

Турли фан соҳаларида “Хотира” концепти турлича метафоралар ёрдамида тасвирланади. Когнитив психологияда хотиранинг метафорик кўриниши омбор образидан замонавий технологиялар образлари томон

ривожланди. Хотира контейнер, процессорга қиёсланади (24, XI). Бу образлар билан бир қаторда олимлар хотирани энциклопедия, картотека, ибодатхона, шаҳарга қиёслайдилар.

Француз файласуфи ва жамиятшуноси Пьер Нора тарихий хотирани хотира-макон образи орқали ифодалайди. Яъни, хотира “меъморий обида” бўлса, биз инсонлар эса, ўз ўтмишимизни зиёрат қилгувчи сайёҳлармиз (25, 1984–1992).

Демак, “Хотира” концептини турли тил ва маданият билан боғлиқ ҳолда таърифлашдаги макон образи шартли структура сифатида хизмат қилади.

Концептуализация қилиш табиатига турли омиллар сабаб бўлади:

- Эволюцион жараён таъсири. Бунда замонавий технология концептуализациянинг янги шаклларининг пайдо бўлишида катта роль ўйнайди. Масалан, хотира процессор ва экранга қиёсланади.
- Ижтимоий омил таъсири. Жамиятда ўз ўтмишига эътиборли ва бефарқ инсонлар гуруҳи мавжуд ва уларнинг биринчилари ўз хотирасини тарихий обида ёки музейга қиёслайди. Иккинчи гуруҳ намоёндалари эса, ўтмишини унутиб, ҳаётини бошидан бошлаш тарафдорлари бўлади. Уларнинг хотираси бўшлиқларга тенглаштирилади.
- Фан соҳаларидаги ютуқлар таъсири. Хотира турли фан соҳаларида турлича, масалан, психоанализда экранга, тарих ва жамиятшунослик каби фанларда тарихий обидага ўхшатилади.
- Индивидуал қарашлар. Бунда асосан, муаллифлар яратган метафорик концептуализациялар тушунилади (26, 114).

XIX-XXI аср инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий матнларда учрайдиган “*memory/хотира*” лексемаси билан қўлланилган метафорик ибораларни таҳлил қилиш натижасида ушбу концептнинг ХОТИРА-МАКОН образи энг кенг тарқалган образ сифатида аниқланди.

Таҳлил натижасида хотирада қолдирилган ахборот гўё қолдирилган из сифатида концептуаллашиши аниқланди. Масалан, қоғоз, қаттиқ жисм (тош, дарахт ёки деворга ўйиб ёзилган ёзувлар ва х.к.). Бошқача қилиб айтганда, хотира ахборотни тўплайдиган юза сифатида таърифланади. Инсон ахборотни сақлаб қўйиш ёки аксинча, изни йўқотишга ҳаракат қилади (*хотирини қолди, хотирадан ўчириб ташламоқ, post up in the memory*).

Бундан ташқари, Хотира ахборот сақлаш хусусиятига қараб, предметлар билан ёпиқ маконга таққосланади. Хотира макони (сатҳи)да инсон бирор-бир буюмни эҳтиёткорлик билан сақлайди (*хотирада*

ниманидир сақлаш). Инсон хотирасида буюмларни қидиради (*хотирада бирма-бир кўриб чиқади, хотирадан чиқариб ташлайди*).

Бундан ташқари, хотира образларни тасаввурда қайта тиклайди (*хотирада нимадир юзага сузиб чиқади, гавдаланади, тикланади, жонланади, қайтадан эсга тушади*). Хотиранинг ушбу функцияси сув ҳавзаси (денгиз, океан ва х.к.лар)га қиёсланади.

Демак, “Хотира” концепти ахборотни тўплайдиган юза, ёпиқ макон, образларни тасаввурда қайта тиклайдиган юза сифатида концептуаллашади.

“Хотира” концептини турли тил ва маданият билан боғлиқ ҳолда таърифлашдаги макон образи шартли структура сифатида хизмат қилади.

Концептуализация қилиш табиатига турли омиллар сабаб бўлади. Турли фан соҳаларида “Хотира” концепти турлича метафоралар ёрдамида тасвирланади. Когнитив психологияда хотиранинг метафорик кўриниши омбор образидан замонавий технологиялар образлари томон ривожланиди. Хотира контейнер, процессорга қиёсланади. Бу образлар билан бир қаторда олимлар хотирани энциклопедия, картотека, ибодатхона, шаҳарга қиёслайдилар.

Тадқиқотлар натижасида қиёсланиб ўрганилаётган тиллар, яъни инглиз ва ўзбек тилларида “Хотира” концептининг умумий хусусиятлари аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Christie A. The Mysterious Affair at Styles—www.gutenberg.org.
2. Conan Doyle A. Memory—www.gutenberg.org.
3. Shaw B. Back to Methuselah—www.gutenberg.org.
4. Dickens Ch. A house to let—www.gutenberg.org.
5. Dickens Ch. David Copperfield—www.gutenberg.org.
6. Conrad J. The Reminiscence—www.gutenberg.org.
7. McNaught Judith. Once and always—www.gutenberg.org.
8. Leech G.N. Semantics. 2nd edn. – Harmondsworth: Penguin Books, 1981. – 383 p.
9. Nora P. Les Lieux de memoire. <https://tspace.library.utoronto.ca/citd/holtorf/2.6.html>.
10. Woolf V. Jacob’s Room—www.gutenberg.org
11. Woolf V. Night and Day—www.gutenberg.org.
12. Орипов А. Йиллар армони.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 592 б.
13. Ҳасанов А. Ўткинчи дунё. Болалик.— Т.: Нихол наш-ти, 2009. – 92 б.
14. Брагина Н.Г. Память в языке и культуре. – М.: Языки славянских культур, 2007. – 520 с.
15. Сессон Жин П. Олтин қафас асираси ёхуд араб маликасининг кечмишлари. Иқбол Хумоюн таржимаси. Суғдиёна. – №3, 20.01.2011. –Б.18 .
16. Кубрякова Е.С. Об одном фрагменте концептуального анализа слова Память//Логический анализ языка. Культурные концепты. – М.: Наука, 1991. – С.85-90.
17. Шайхзода М. Тошкентнома. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 43 б.
18. Қиличев Н. Чиғирик. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 288 б.
19. Ойбек. Асарлар. 10томлик, 1-том. Дехқон. Қора кечалар. 1968. – 431 б.
20. Турсун П. Танланган асарлар.“Ўқитувчи”.– Т.: Ўзадабийнашр, 1958. –51 б.

21. Парфи Р. Хотирот. – Тошкент.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – 77 б.
22. Аҳмад С. Сувлар оқиб кетди. “Гулистон” журнали, 1970. – №6.
23. Сиёев С. Ёруғлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашри, 1986. – 334 б.
24. Суғдиёна газетаси. Чин сўзим ёхуд шамолда қолган ваъдалар. 2010. – № 31. – Б. 38.
25. “Тошкент оқшоми”, 19 август, 1985. – №189.
26. Усмон Азим. Куз. Шеърлар. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 448 б.